ОНА ТИЛИ — МИЛЛАТНИНГ ТАМАЛИ

Н.Маҳмудов

Автор статьи рассматривает родной язык как ядро национальной самобытности и как гарант ее сохранения, указывает на негативные моменты, наблюдающиеся в отношении к нему, считает бережное отношению к узбекскому языку долгом каждого узбекистанца.

The author of article considers the native language as a nucleus of national originality and as grant of its preservation, specifies the negative moments observed in the attitude to it, considers to the careful attitude to the Uzbek language as the debt everyone Uzbeks.

Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда курраи заминда уч мингдан ортиқ тил бор. Мутлақо табиий, бу тилларнинг ҳар бири муайян бир қавм учун эъзозли она тилидир. Демакки, уларнинг ҳар бири ўзининг собит соҳиби, пойдор посбонига эга. Зотан, ўзини, ўзлигини, керагу нокерагини қўришни уддалай олмаган қўрқоқ қавмнинг она тили ўзи билан бирга тарих қаърида йўқликка маҳкум бўлганки, бу тиллар эндиликда дангалига “ўлик тиллар” номини олган.

Ўша уч мингдан ортиқ тилнинг бири бўлмиш ўзбек тили, ўзбекнинг эхтиромли ва эътиборли она тили, мустақиллик шарофати билан бугун йигирма етти миллионли Ўзбекистоннинг ўктам ва умрибоқий давлат тили сифатида ривожу равнақ йўлини тутганлиги аниқ.

Ҳар қандай шахснинг, ирқу эътиқоди, эамину замонидан қатъи назар, миллий-руҳий мағзини она тили тайин ва таъмин этади. Юртбошимизнинг қуйидаги сўзларини ҳамиша ёдда тутмоқ лозим: “Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир. Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг сўзлари билан айтганда, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”.[1]

Айтиш жоизки, айни шу миллий-руҳий мағз мутлақо ўзига хос бир моҳият бўлиб, миллатнинг тафаккур тарзини, “идрок кўзи”ни қатъий белгилаб беради. Дунё файласуфлари томонидан минг йиллардан бери таъкидлаб келинаётган тил ва тафаккурнинг бирлиги тўғрисидаги қатъий қоиданинг асл маъниси ҳам шу. Рус тилининг машҳур изоҳли луғатини яратган Владимир Далнинг отаси — даниялик, онаси эса олмон аёли, унинг мана бундай эътирофи диққатга сазовор: “На майл-истак, на диний ишонч, на аждодллр қони инсоннинг у ёки бу халққа мансублигини тайин этади... Ким қайси тилда ўйласа, у ўша халққа мансубдир. Мен рус тилида ўйлайман”. Ҳақиқат шуки, тил миллатнинг тамалини тайин этадиган, илигини соғлом сақлайдиган, асрлардан асрларга тўзғитмай олиб ўтадиган бетакрор қудратдир.

Шунинг учун она тилидаги тафаккурнинг тархи бутун, ҳузури узун бўлишини исботламоқнинг кераги йўқ. Она тилидаги тафаккурнинг тириклиги аждодлар қонининг, боболар шонининг бардавомлиги учун мунтазам масъулиятнинг тириклиги, шу тил эгаси бўлмиш қавмда шунчаки қорин қайғуси эмас, балки миллат, юрт, Ватан, бирлик туйғусининг бикирлиги билан чамбарчас боғлиқ эканлиги бор гап. Бу ўринда яна “она” истилоҳининг тил билан баробар Ватанга нисбатан ҳам қўлланишини эсга олмоқ мумкин. Славяншунослар Қадимги Русда *язык* сўзининг “халқ” деган маъноси ҳам бўлганлигини таъкидлайдилар.

Француз тили, маълумки, дунёдаги нуфузли тиллардан бири, 250 миллион киши шу тилда сўзлашади. Тил соҳасидаги тадқиқотлари билан ном қозонган, ЮНЕСКО, НАТО, Европа ҳамкорлиги комиссияси маслаҳатчиси профессор Андре Дензин француз тилининг келажаги ҳақида қайғурур экан, уни асраш, ривожлантириш, камида, инглиз тилидан кейин дунёда иккинчи тил бўлиши учун саъй-ҳаракат кўрсатиш лозимлигини айтади. Францияда ишлаб чиқарилган маҳсулот, агар француз тилидаги ёрлиқ билан таъминланмаган бўлса, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қонунларга кўра жавобгарликка тортилади.

---

[1] И.Каримов. Юксак маънивият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.- Б. 83

Бугун мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги Қонунимиз ишлаяпти. Бу қонун она тилимизнинг давлат тили сифатидаги ривожи билан боғлиқ жараёнларни барча икир-чикирларигача белгилаб берган. Тўғри, қонуннинг ижроси, унинг амалиётга татбиқида анча-мунча сусткашлик, эътиборсизлик мавжуд. Тилнинг равнақини жамият равнақи, шу жамият аъзоларининг миллий-маданий даражаси, миллий-руҳий мувозанатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зотан, миллий-маданий даража, миллий-руҳий мувозанат, ақлий юксалиш она тилисиз мумкин эмас. Демакки, мазкур эътиборсизликларнинг юзага келишида айни жамият аъзоларининг ҳам хийлагина “ҳиссаси” бор, буни ҳам эътироф этмоқ лозим.

Мустақиллик боис дунё билан бўйлашмоқ, етти иқлимдаги фан ва технология илғорлари билан сўйлашмоқ, пешқадам илм қаерда бўлса, ўша ерга бориб ўрганмоқ, хорижда юртнинг юксалмоқ юкини енгил қиладиган нимаики бор бўлса, ундан унумли истифода этмоқдай улкан имкониятлар эшиги ланг очилди. Бунинг бирламчи воситаси, албатта, тилдир, шунинг учун ҳам хорижий тилларни жадал ва тугал ўрганиш эҳтиёжи туғилди. Хорижий тилни эгаллаш жуда ҳам яхши бир урфга кирди, хорижий тилни билиш жамиятда обрўли сифатга айланди. Буюк келажак бўсағасида турган Ўзбекистон учун бу мутлақо табиий ва зарурий ҳолдир. Аммо Президентимиз кадрлар тайёрлашда хорижий тилларни ўрганишнинг аҳамиятини таъкидлар экан (1997 йил август), шундай деб уқтирган эдилар: “...Шунга алоҳида урғу беришимиз зарурки, чет тилларни ўрганиш минбаъд она тилини эсдан чиқариш ҳисобига бўлмаслиги лозим”. Чунки она тилини унутиш ҳисобига ўрганилган хорижий тил она тилининг ўрнини босиб олиши муқаррарки, бунда миллий тафаккур ва миллий идрок илдизидан қўпорилади, бутунлай бошқа, бегона тафаккур ва бегона идрокка айланади. Энди бундай тафаккур она тилини, она Ватанни қон билан қўримоққа қодир бўлолмайди.

Ана шу фавқулодда муҳим жиҳатлар эътиборга олинадиган бўлса, хорижий тил таълими ва айниқса, хорижий тилдаги таълимда она тилига айни хорижий тилдан заррача кам бўлмаган аҳамият берилмоғи шарт. Инглиз, француз ёки бошқа чет тилини мукаммал биладиган мутахассис ўзбекнинг биринчи тили, албатта, она тили бўлиши лозим. Кўпинча, аксар ёшлар инглизча ёки бошқа бир чет тилини билишини катта имтиёз деб билади-ю, лекин она тилини билмаслигини улкан кулфат, фавқулодда фақирлик эканлигини том идрок этолмайди ёки тан ола бйлмайди. Инглиз тилида булбул бўлиб сайрайдиган, аммо она тилига нописандлик билан, паст назар билан қарайдиган, ўз она тилини худди ўзбекчани янги ўрганган инглиздай таталайдиган ўзбекдан миллий туйғу излаш такадан сут умид қилгандай мантиқсиз бир ҳаракатдир.

Шуни ҳам таъкиддаш зарурки, хорижий тилларни бу қадар мукаммал эгаллаётганлар юртимизнинг энг қобилиятли, истеъдодли ва закий фарзандларидир, шубҳасиз, улар миллатнинг сара гулларидир, уларнинг худо берган бу салоҳиятларини мунтазам рағбатлантириш керак. Бу — мутлақо исбот талаб қилмайдиган нақд ҳақиқат. Айни замонда, миллий ўзликнинг бемисл қудратга соҳиб иҳотачиси бўлмиш она тили билан ёшларни мунтазам ва мукаммал қуроллантирмаслик кўламли глобаллашув жараёнларига юз тутган бугунги югурик дунёда миллий фожиа дарвозаларини билиб-билмай очиб қўйиш билан баробар. Миллий маданиятдан бегоналашув, миллий маданиятнинг моҳиятидан бебаҳралик ва шунинг натижасида юзага келадиган миллий қадриятларга нописанддик айни фожианинг илдизини бақувват қиладиган “ўғит”лардир.

Она тилидаги собитлик, она тили оҳангларига содиқлик ҳар қандай бошқа миллий маданиятнинг мағзини чақа билиш, ғайри шуурий бир тарзда бўлса-да, уни англаш, унга ҳурмат-эҳтиром билан қарашдай инсонний фазилатни барқарор қилишга кўмак бериши табиий. Масалан, она тили француз тили бўлган парижлик ёки инглиз тилида сўзлашувчи лондонлик ва ёки немис тилида фикрловчи берлинлик бетакрор санъаткор Муножот Йўлчиеванинг соф ўзбекча тил ва тамоман миллий оҳанг уйғунлигидан туғилган классик қўшиқларини ҳузур билан тинглаб, ҳайратларини самимий олқишлар билан ифода этганлигини бу ўринда эсламоқнинг ўзи кифоя...

Тил сезгисининг тириклиги ва мунтазамлиги маънавиятнинг асос тиргагидир. Аммо айни тил сезгисидаги ноқисликнинг асосий нони сўз бўлган айрим филологлар, журналистлар тузган матнларда ҳам кўзга дахл қилаётганлигини айтмаслик мумкин эмас. Айниқса, турли-туман каттакичик хусусий газеталар, журналлар тилидаги шакли ўзбекча, мазмун-мантиғи бошқа тилники бўлган матнлар болалаб бораётганини кўрмаслик мумкин эмас. Кўп мисол керакмасдир. ОАВда *ташриф буюрмоқ* сўзининг маъноси ва қўлланиши билан боғлиқ жиҳатлар ҳақида неча марталар куюнчаклик билан айтилган. Аммо ҳамон журналист қаергадир, албатта, “ташриф буюраверади”,

яъни борган жойини шарафга буркайверади. Марказий газеталардан бирида “Хорижда” рукни остида (2005 йил 27 декабрь) самолёт ҳалокати ҳақидаги хабарда *“Фожиа юз берган жойга мамлакат президенти Илҳом Алиев ташриф буюрди”* деб ёзилган. Ахир, фожиа юз берган жойга ташриф буюрмасдан, оддийгина борилмайдими? Фожиа билан шараф — сиғишмайдиган тушунчалар. Сўз, тил беҳад мураккаб ва муҳташам бир хилқатки, ундан расо ва рост фойдаланмоқ учун бу хилқатга пайпасланиб, тусмоллаб эмас, балки очиқ кўз ва аниқ сезги билан кириш керак.

Кирил-ўзбек ёзувидаги имло қоидаларини менсимаслик, уни истаганча ўзгартиришни ҳам она тили қоидаларига нописанддик дейиш мумкин. Ўзбек тилидаш *милиция* сўзини *мелиса, цирк* сўзини *сирк* тарзида ва яна қанчадан-қанча сўзларни хоҳлаганча ўзгартириб ёзиш тўғри эмас. Биз лотин-ўзбек алифбосига ўта бошлаган бўлсак ҳам, кирил-ўзбек алифбосидаги имло қоидаларини ҳеч бир давлат муассасаси бекор қилгани йўқ, бу имло қоидаларига амал қилиш ўз вақтида тасдиқланган расмий ҳужжатга кўра барча учун мажбурий. Янги лотин-ўзбек алифбосининг имло қоидалари бутунлай бошқа, уни кирил-ўзбек ёзувига кўчириш тўғри бўлмайди, бундай қилиш жуда кўп чалкашликларга олиб келиши табиий.

Тилнинг асл эгаси — халқ, у Эшмат ёки Тошматнинг катта отасидан қолган моли эмас. Эшмат ёки Тошматга бу буюк неъматга ўзи истганича муносабатда бўлиш ҳуқуқи ҳам берилмаган. Тил даҳоси шу қадар буюк ва қудратлики, унинг ривожида қатъий қонуният бор, уни ҳеч ким буза олмайди. Тилшунос ундаги мавжуд қонуниятларни очиши, темир қоидаларининг мағзини холис чақиб бериши мумкин, холос, янги қонуниятлар яратиб, уни тилга “едира олмайди”. Тил нимани олиш, нимани олмасликни ўзи билади. Маълумки, 1990-йилларнинг бошида *тайёра, тайёрагоҳ, илмгоҳ, ўйингоҳ, ҳужжатасровхона* каби қанчадан-қанча сўзлар “топилди” ёки мутлақо сунъий бир тарзда ясалди ва тилга тиқиштирилди, аммо тил даҳоси уларни асло қабул қилмади. Она тилига ўринсиз оталикни даъво қилиб бўлмайди. Она тилини бошқа тилларнинг тазйиқидан, сўз босқинидан асрамоқ керак, қўримоқ зарур. Аммо бу қўриш дегани ҳам яна ўша оталик даъвосидаги одамлардан қўримоқ демакдир...

Бетакрор она тилимиз — ўзбек тилининг теран мантиғи миллий тафаккуримиз тарозисининг асл тоши ўлароқ асрлардан асрларга саломат ўтиб бормоғи учуи тилшунос ҳам, тилшунос бўлмаган бошқа киши ҳам, қўйингки, ҳар бир ўзбекистонлик масъулдир.

Тошкент давлат педагогика университети,
2009 йил 12 июнда қабул қилинган